

Доғистон Ҳаж-2021 га 8000 зиёратчини юборишга тайёрланмоқда



14:30 / 13.03.2021 1503

Доғистон Ҳаж зиёратини бажариш учун Россиядаги энг катта квотани олди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Миллий сиёсат ва дин ишлари бўйича вазир вазифасини бажарувчи РД Энрик Муслимов маълум қилишича, бу йил муқаддас Ҳаж ибодатига 8 минг киши зиёратга бориши мумкин. Яъни, бу мамлакат квотасининг 40 фоизини ташкил этади.

«Барча субъектлар орасида Доғистон энг катта фоизга эга», - дейилади агентлик веб-сайтида.

Шунингдек, 2021 йилда Саудия Арабистони умрани ўтказиш имкониятини эълон қилди. Апрель ойида 175 киши кичик умра ибодатини бажариш учун Доғистондан Саудия Арабистонига бориши мумкин.

Хуршид Маъруф тайёрлади